
НУРОНИЙЛАРИМИЗ ЖАВПАЯ МАССИВИДА БЎЛИШДИ

НУРОНИЙЛАРИМИЗ ЖАВПАЯ МАССИВИДА БЎЛИШДИ

Айни кунда Қалъача маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жавпая массивида иссиқхоналар мажмуи барпо этиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерларни ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бўлаётган ишларга ҳеч ким бефарқ эмас ва ҳар бир фуқаро мавзени бир бор бўлсада, кўришни хоҳлайди.

Бу массивда олиб борилаётган ишлар фуқароларимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

- Бизнинг Қалъача маҳалла фуқаролар йиғинининг бир гуруҳ оқсоқоллари ва нуронийлар бугун бомдод намозидан кейин Жавпаяга йўл олишди. Бу ерда барпо этилган иссиқхоналар ва етиштирилаётган сабзавотларни ўз кўзлари билан кўришди.

Массивни "оби ҳаёт" билан таъминлаш ва электр энергияси линияларини тортиш ишларига бош бўлган мутасаддиларга ҳамду санолар айтилди. Жавпаянинг келажакда аҳолимиз учун даромад манбаига ишонган нуронийларимиз дуога қўл очдилар, - дейди Қалъача маҳалла раиси Фаёзиддин Тожиддинов.

Дарҳақиқат, бугун Жавпаяда кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Дарвоқе, азиз ватандош, Сиз ҳам бир қадам қўйиб, Жавпаяга келинг. Ватан қудрати ва инсон манфаати йўлида қилинаётган эзгу ва хайрли ишларга яна бир карра амин бўласиз.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-04-27 10:09:19